O‘ZBEKISTON
BUNYODKORI
IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

№82 (835) 2024 йил 8 октябрь, сешанба

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

uzbunyodkor t.me/uzbunyodkor uzbunyodkor info@uzbunyodkor.uz uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯГА ТАШРИФ БУЮРДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 октябрь куни амалий ташриф билан Москва шаҳрига келди.

"Внуково" аэропортида давлатимиз раҳбарини Россия Федерацияси Президентининг ёрдамчиси Максим Орешкин ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

8 октябрь куни МДҲ саммитининг асосий тадбирлари бўлиб ўтади. Кун тартибидан Ҳамдўстлик доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари ўрин олган.

ЎзА.

Транспорт тизимини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди

Гулноза БОБОЕВА, ЎзА мухбири.

Пойтахт ҳокимлигида Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиёдаги транспорт амалиёти раҳбари Шомик Раж Мендиратта ва “Toshkent Invest kompaniyasi” АЖ бошқаруви раиси Баҳром Шокиров ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда томонлар Тошкент шаҳрида Жаҳон банки кўмагида амалга оширилаётган дастурлар, транспорт соҳасидаги ўзаро ҳамкорликнинг янги йўналишлари, жумладан, ички ва минтақавий транспорт алоқаларини яхшилаш ҳамда транспорт соҳасини хусусий молиялаштириш масалаларини муҳокама қилди.

Шунингдек, янги йўлларни қуриш лойиҳалари учун инвестицияларни жалб қилишда Жаҳон банкининг кўмагини мувофиқлаштириш ва жамоат транспорти ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳамкорлик масалаларида ҳам келишувларга эришилди.



Андижонда “Ватанпарвар” боғи очилди

Фахриддин УБАЙДУЛЛАЕВ, ЎзА мухбири.

Янги Андижон шаҳри ҳудудида барпо этилган “Ватанпарвар” боғининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.



Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, юртдошларимиз, айниқса, ёшлар қалбида юрт ҳимоясига дахлдорлик, она ватанга муҳаббат, унинг қадим ўтмиши ва буюк келажагидан фахрланиш туйғуларини юксалтириш мақсадида барпо этилган боғнинг очилиш маросимида Андижон вилояти ҳокими Шуҳратбек Абдураҳмонов, Шарқий ҳарбий округ қўшинлари қўмондони, генерал майор Ойбек Саидов, меҳнат фахрийлари, ҳарбий хизматчилар, ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.


“Ватанпарвар” боғининг рамзий лентаси кесилганидан сўнг, тадбир иштирокчилари томонидан вилоят ҳокими, ҳарбий округ қўмондони бошчилигида боғдаги “Ватанга қасамёд” монументи пойига гулчамбарлар қўйилди. Ватан озодлиги, тинчлиги ва ҳимояси йўлида жон фидо қилган марҳумлар хотирасига ҳурмат бажо келтирилди.

Шундан сўнг вилоят ҳокими сўз олиб, мазкур боғнинг очилиши билан барчани муборакбод этди. Боғни ташкил этишдан кўзланган мақсад, унинг аҳамияти, қурилиш жараёнлари, боғдан жой олган экспонатлар ҳақида гапирди.

Тадбир давомида санъаткорлар, ҳарбий оркестр жамоаси томонидан ижро этилган куй ва қўшиқлар, қоровул қўшинлари аскарларининг кўргазмали чиқишлари барчага байрамона кайфият улашди.

ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИДА

Янги Тошкентда қурилаётган бинолар тақдимоти ўтказилди



Муродбек ҲАЙДАРОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

“ToshkentboshplanLITI”да Янги Тошкент ҳудудида олиб борилаётган ижтимоий, иқтисодий лойиҳалар ва шаҳар қиёфасини шакллантириш, қулай шаҳар муҳитини яратишнинг муваффақиятли ечимлари юзасидан “Янги Тошкент – Марказий Осиёнинг яна бир гавҳари” мавзусидаги тақдимот-матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Мазкур тадбирда тегишли давлат ташкилотлари, ҳокимлик вакиллари, қурилиш соҳасида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектлари, жамоатчилик фаоллари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди. Тадбирни қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари, “Янги Тошкент шаҳрини барпо этиш” дирекцияси директори Давронжон Адилов очиб берди.

– Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан шаҳар муҳитини яхшилаш, дунё тажрибаси асосида ривожлантириш юзасидан салмоқли ишлар амалга оширилаётганидан хабарингиз бор, – деди Давронжон Адилов. – Маълумки, мамлакат архитектуравий қиёфасини яхшилаш, урбанизацияни ривожлантириш унинг дунё миқёсидаги ўрнини белгилайди. Бу нафақат аҳоли турмушини яхшилаш, балки иқтисодиётни ривожлантириш, туризмни янги босқичга олиб чиқишда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Янги Тошкентни барпо этишда биз мазкур жиҳатларга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Бунда хорижий тажрибани ўрганган ҳолда миллий қадриятларимизга урғу бериш орқали катта лойиҳаларни бошлаб юборганмиз. Ушбу тақдимотда дунёнинг етакчи архитекторлари билан ҳамкорликда Алишер Навоий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази музейи ва ихтисослашган мактаб ҳамда мақом маркази лойиҳаси намойиш этилди.

Ушбу лойиҳа доирасида ихтисослашган мактабнинг ўқув биноси ётоқхона, илмий тадқиқот маркази, Алишер Навоий номидаги музей, халқаро анжуманлар саройи ва конференциялар комплекс бинолари бўлиши режалаштирилган. Шунингдек, Алишер Навоий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази шаҳар аҳолиси ва меҳмонларига йигирма тўрт соат хизмат кўрсатиш, уларнинг ўқиши ва ҳордиқ чиқариши учун барча қулайликларга эга бўлган маскан бўлиши назарда тутилмоқда. Бундан ташқари, бу ерда пиёдалар боғда сайр қилиб, шарқдан ғарбгача бўлган масофани яёв кезишлари ва гўзал табиат манзараси ҳамда тоза ҳаводан баҳра олишлари мумкин. Шунингдек, ушбу марказ маданий тадбирлар, мусиқий чиқишлар учун ҳам ажойиб маскан бўлиши кутилмоқда. Юксак меъморий ечим ва ёндашув билан барпо этилаётган объект йил давомида қулай ички иқлимни яратиб, мамлакатимиз меъморчилигида муҳим мажмуа сифатида ўрин олади.

Таъкидланишича, Алишер Навоий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази, Адабиёт музейи ва Миллий мақом марказини ўз ичига олган мажмуа халқаро туризм масканларидан бирига айланиши кутилмоқда. Ушбу мажмуа жаҳонга машҳур “Zaha Hadid architects” компанияси томонидан лойиҳалаштирилган. Мазкур компания директори Паоло Маттеуззи сўзга чиқиб, лойиҳа ҳақида тадбир иштирокчиларига атрофлича маълумот берди.

– Ўзбекистон азал-азалдан ўзининг миллий қадриятлари ҳамда ана шу қадриятларни бунёдкорлик объектлари билан уйғунлаштира олган буюк меъморлар мамлакати ҳисобланади, – деди Паоло Маттеуззи. – Биз ҳам лойиҳани бошлашда аввало, шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратдик. Шунингдек, замонавий ёндашув асосида лойиҳага янада оптималлик бағишлашни мақсад қилганмиз. Ишонамизки, лойиҳа дунё миқёсида нодир меъморчилик асарига айланади.

Маълумот ўрнида, *“Zaha Hadid architects” дунёдаги энг нуфузли архитектура фирмаларидан бири саналади. У жаҳон архитектурасида ўзига хос ёндашувга эга инновацион меъмор Заҳа Ҳадид номи билан аталади. Унинг ҳар бир лойиҳаси, жумладан, Лондондаги “The Serpentine Sackler” галерияси, Гуанчжоудаги “Опера театри”, Пекиндаги “Dacin халқаро аэропорти”, Римдаги “Миллий санъат музейи”, Баку шаҳридаги “Маданият маркази” ҳамда дунёнинг энг машҳур шаҳарларида жойлашган кўплаб меъморий санъат асарларида урбанизм, архитектура ва дизайн уйғунлигининг ажойиб намуналарини, шунингдек, 30 йилдан ортиқ тадқиқот, тажриба ва изланишлар натижасини кўриш мумкин.*

Вазирлик вакиллари “Дунё қурилиш ҳафталиги – 2024”да

Вазирлик вакиллари “Дунё қурилиш ҳафталиги – 2024” доирасида Россия Федерациясининг Екатеринбург шаҳрида бўлиб, учрашув ва музокараларда иштирок этишди. Хусусан, бино-иншоотларнинг энергия самарадорлиги юзасидан лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш, қурилиш нормаларини амалиётда қўллаш, бино фасадларида базальт қопламасидан фойдаланиш технологиялари юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида ўзаро фикр алмашилди.

Шунингдек, мутахассислар Урал тоғ-кон металлургия компанияси томонидан қурилаётган Муз саройи аренасида қўлланилаётган замонавий лойиҳа ечимлари, металл конструкциялардан оқилона фойдаланиб, бинонинг замонавий архитектура кўринишини лойиҳалаштириш ишлари билан танишишди.

Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий тадқиқот институти ҳамда “Шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертиза қилиш Республика маркази” раҳбарияти ҳам иштирок этган ҳафталик доирасида ўтказилган ҳукуматлараро кенгашда 2021-2025 йилларда МДҲ давлатлари томонидан тасдиқланган стратегияларга мувофиқ амалга оширилган ишлар таҳлили, 2026-2030 йилларда қурилиш соҳасида янги технологияларни жорий қилиш, техник меъёрлаш тизимини такомиллаштириш ҳамда қурилишда сейсмик хавфсизликни таъминлаш концепцияси лойиҳаси, қурилиш соҳасида нархларни шакллантириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.



Ушбу кенгашда институт директори Шерзод Содиқов “Еврокодларни ҳар бир давлатнинг миллий манфаатларни ҳисобга олган ҳолда имплементация қилиш: аҳамияти ва тўсиқлари” мавзусида маъруза қилди.

Сирдарё вилоятидаги объектлар ўрганилди

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси раҳбари Сирожиддин Эшқувватов Сирдарё вилоятида бўлиб, соҳа доирасида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишди.



Хусусан, Гулистон шаҳри ҳудудида буюртмачи “Гулистон ниҳол қурилиш” МЧЖ томонидан қурилаётган биринчи қавати савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биносига эга бўлган кўп қаватли турар жой ўрганилди. Мазкур бино белгиланган тартибда ҳудудий назорат қилиш инспекцияси рўйхатидан ўтган, аммо буюртмачи томонидан ўзбошимчалик билан ноқонуний тартибда савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биносининг устки қисмига яна бир қават қўшиб олинганлиги аниқланган.

Ҳолат юзасидан инспекция ходимлари томонидан буюртмачи ҳамда пудрат ташкилоти вакилларига бир неча маротаба қурилиш ишларини қонуний тартибда амалга ошириш бўйича ёзма кўрсатмалар берилган, аммо ҳолат бартараф этилмаган. Шундан сўнг белгиланган тартибда маъмурий жарима чоралари қўлланилган ҳамда ноқонуний қаватни бартараф этиш бўйича судга даъво аризалари киритилган.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№82 (835) 2024 йил 8 октябрь

СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ИМКОНИЯТЛАР КЎП

Наргиза МИРЁҚУБОВА, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Қаерда кранлар баланд кўтарилиб янги бунёдкорликлар бошланар экан, аслида бу барқарорлик, ривожланишдан далолат. Шу боис қурилиш ва қурилиш индустриясининг ривожланиши бу давлатнинг иқтисодий ўсишида муҳим аҳамиятга эга. Бевосита инфратузилма, йўллар, уй-жойлар, ижтимоий соҳа объектларини модернизация қилиш билан боғлиқ бу ҳаракатлар одамлар ҳаётини яхшилаш, тадбиркорликни ривожлантиришга қолаверса, аҳолининг бандлигини таъминлашга хизмат қилади.

Қурилиш материаллари саноати, ўз навбатида, нафақат ички харажатларни таъминлайди, балки экспортга ҳам ҳисса қўшади. Бугунги кунда қурилиш сифатини ошириш бу ҳар бир объектнинг мустаҳкамлигига техник кафолат бериш, замонавий технологияларни жорий этиш, объектларнинг энергия самарадорлиги ва экологик барқарорлигини оширибгина қолмай, сифат масаласига ҳам ўзига хос ечимдир. Айниқса, соҳанинг ўсишига аралаш саноат тармоқлари металлургия, кимё саноати, транспорт ва логистика ҳам туртки бўлмоқда. Оддийроқ айтсак, биргина қурилишнинг ўзи атрофида яна бир нечта соҳаларнинг жадал ривожига таъсир кўрсатади. Яна бир жиҳат инфратузилма лойиҳалари ва уй-жой қурилишига киритилаётган инвестициялар ҳудудларга капитал оқимини оширмоқда. Шунингдек, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ақлли технологик ва рақамлаштирилган жараёнларни жорий этиш ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва камхарж технологияларни жорий этиш каби тенденциялар соҳа учун янги имкониятлар очмоқда.

Айниқса, сўнгги етти йилда Президентимиз томонидан соҳани ривожлантириш ва одамлар учун қулай инфратузилма яратиш масаласи доимо устувор бўлиб келмоқда. Шу боисдан Президент раислигида жорий йилнинг 23 сентябрь куни бўлиб ўтган йиғилиш қурилиш индустрияси ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ривожлантириш масалаларига бағишланди.

Қурилиш индустрияси ва қурилиш материалларини ишлаб чиқаришдек иккита йирик соҳа йиғилишда бежиз кўриб чиқилгани йўқ. Сабаби соҳада муаммолар етарли, фойдаланилмаган имкониятлар эса талайгина.

Бугун юртимизда қуввати 140 минг тонна бўлган 7 та базальт корхонаси бор. Базальт хомашёси қайта ишланиб, қурилишда кенг қўлланаётгани ҳисобига янги уй-жой ва ижтимоий объектларда энергия сарфи 20 фоизгача камайгани йиғилишда айтилди. Бироқ, қурилишда базальтдан ташқари қўёш нурини қайтарувчи ойна, фибро толали панель, вермикулит аралашмаси каби материалларни ишлатиб, энергия сарфини яна 2 баравар қисқартириш мумкин. Ҳозир қурилишда талаб юқори бўлган қўёшни қайтарувчи индий, алюминий ёки рух плёнкаси билан қопланган махсус ойналар ишлаб чиқариш ҳалигача йўлга қўйилмаган. Бу борада Қувасойдаги “Кварц” корхонаси 20 миллион АҚШ доллари инвестиция киритиб, йиллик 5 миллион квадрат метр бундай ойна ишлаб чиқариш ташаббусини Президент маъқуллади.

Яна бир масала – биноларнинг фасад қисмида фибро толали панелдан фойдаланиб, энергия сарфини яна 10 фоизга камайтириш мумкин. Муҳими, фибро толали панеллар нархи оловга чидамли бошқа фасад қопламаларига нисбатан 20 фоизгача арзон. Бу маҳсулотни ишлаб чиқаришда асосий компонент ҳисобланган – цемент ва бойитилган қум ўзимизда етарли. Бу борада давлат раҳбари тегишли таклифларни билдириб, мутасаддиларга бундай энергия тежамкор замонавий қурилиш материаллари лойиҳаларини кўпайтириш зарурлигини кўрсатиб ўтди ва “Саноат ипотекаси” асосида автоклав газобетон, фиброцемент панель, геотекстиль, базальт каби янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича 170 миллион АҚШ долларилик 7 та лойиҳани ишга тушириш топширилди.

Қурилиш иқтисодиётнинг барча тармоқлари ривожланишига катта туртки берадиган соҳадир. Ҳар бир лойиҳа қурилиш материаллари ва жиҳозларга, ишчи ва мутахассисларга талабни оширади. Янги мажмуалар атрофида янги иш ўринлари, инфратузилма ва хизматлар пайдо бўлади.

> Сўнгги етти йилда қурилиш материаллари соҳасига 9 миллиард АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилиб, 5 мингга яқин янги корхона ишга туширилган, 94 мингта доимий иш ўрни яратилган. Ишлаб чиқариш 2 карра ўсган, йиллик айланмаси 100 миллиард сўмдан зиёд корхоналар 150 тадан ошган. Охирги беш йилда бунёдкорлик ҳажми 2 баравар кўпайган. 650 миллион АҚШ долларилик янги маҳсулотлар ўзлаштирилгани ҳисобига қурилишдаги импорт улуши 31 фоиздан 25 фоизга камайган. Қурилиш материаллари экспорт бозори кенгайиб, 58 тага етди. Хорижда 20 дан ортиқ савдо омборлари, 50 дан зиёд дўконлар очилди. Бу йил экспорт миқдорини 1 миллиард АҚШ долларига етказиш мўлжалланган.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари уларни таҳлил қилиб, янги ташаббус ва вазифаларни айтиб ўтди. Қувасойдаги “Кварц” корхонасида 20 миллион долларлик, Жиззахдаги ойна заводида 10 миллион долларлик инвестиция лойиҳалари бажарилиши айтилди. Умуман, тадбиркорлар билан биргаликда, 3,5 миллиард АҚШ долларилик 350 та янги лойиҳа режалаштирилган. Уларнинг қурилишига ҳамда фаолиятига камбағал оилалардан 50 минг фуқарони ишга жойлаштириш кўзда тутилган.

Қурилиш материаллари тайёрлашда энергия сарфини камайтириш жуда муҳим. Бу унинг таннархига, харидоргирлигига таъсир қилади. Сўнгги икки йилда бу тармоқда ишлаб чиқариш 1,2 карра ошган бўлса-да, шундай чоралар ҳисобига энергия сарфи 1,3 баробар, энергия сиғими 1,6 баробар камайди. Мисол учун, “Қизилқумцемент”да иссиқлик алмашиш ускуналари реконструкция қилиниб, йилига 37 миллион киловатт соат электр тежалди. Бугунги кунда илғор хорижий корхоналар иссиқлик энергиясидан қайта фойдаланиш орқали электр олиш технологиясини фаол қўлламоқда. Шу асосида, энергия сарфи юқори бўлган 34 та корхонада энерго аудитни якунлаб, йилига 300 миллион киловатт соат электрни иқтисод қилиш мумкинлиги айтилди.

Дунёда қурилиш индустрияси кун сайин ривожланаётгани, замонавий лойиҳа ечимлари, янги технология ва ёндашувлар амалиётга шиддат билан кириб келаётгани таъкидланди.

Шунингдек, йиғилишда сўнгги йилларда мамлакатимизда қурилиш ҳажми йилига ўртача 7-8 фоиз ўсгани билан ҳалигача эски норма, стандарт ва ёндашувлар сақланиб қолаётгани кўрсатиб ўтилди. Соҳага юқори технология, илм ва инновацияни жорий қилиш ишлари бугунги кун талабига мос келмаслиги қайд этилди. Масалан, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларининг 38 таси рўйхатдан ўтмаган, яна 13 таси янгиланмаган. Шу боис қурувчилар замонавий объект қуришда лойиҳага махсус техник шарт олиш учун қўшимча вақт ва маблағ сарфламоқда, бу эса таннархга салбий таъсир кўрсатмоқда. Қурилишдаги ўзгаришлардан орқада қолиб кетмаслик учун ШНҚларни мунтазам янгилаб бориш кераклиги таъкидланди. Шу муносабат билан Қурилиш ва Адлия вазирликларига бир ойда 38 та ШНҚни рўйхатдан ўтказиб, амалиётга жорий қилиш, келгуси йилнинг 1 мартига қадар 16 қаватдан юқори бинолар, савдо комплекси ва паркинглар бўйича миллий нормаларни ҳамда яна 13 та ШНҚни ишлаб чиқиш топширилди. Йил якунигача 16 қаватдан юқори бинолар қуриш бўйича Тошкент архитектура-қурилиш университети қошида алоҳида Конструкторлик бюроси ташкил қилиниши белгиланди.

Ўтган йили ҳокимларга хусусий секторни жалб қилиб, “мастер режа” ишлаб чиқишга рухсат берилганди. Бундан мақсад – кичик ҳудудларни белгилаб, уй-жой қуриш, туризм, савдо ва сервисни ривожлантирса бўладиган жойларга тадбиркорларни жалб қилиш эди. Бу борада Бухоро, Навоий вилоятларидаги 85 та ҳудуднинг “мастер режаси”ни ишлаб чиқиш бошланган. Лекин, қолган вилоятлар ҳали масалани ичига кирмагани танқид қилинди. Шу боис, вилоят ҳокимларига йил якунигача камида 10 тадан ҳудуднинг “мастер режа”сини ишлаб чиқиш топширилди. Бундан ташқари, 106 та туман-шаҳарда 136 та “мастер режа” қилиш бўйича топшириқ берилган. Ҳозиргача шундан 21 таси ишлаб чиқилгани, Андижон ва Хоразмда эса бирорта “мастер режа” тайёрмаслиги кўрсатиб ўтилди.

Ўтган йили 1 минг 600 та объект қурилиши рўйхатдан ўтказилмасдан бошланган бўлса, йил бошидан 2 минг 200 тага етган. Бундан ташқари, қурилиш объектлари тоифасига қараб ойига камида 2-4 марта назоратдан ўтказилиши зарур. Лекин 8 ой ичида 1 минг 150 та объектга инспектор бир марта борган. Оқибатда жойларда пала-партиш қурилиш кўпайиб, аҳоли эътирозига сабаб бўлаяпти. Бу борада Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш ҳудудий инспекцияларида қурувчи-операторлар штаби ташкил қилиниши белгиланди. Назорат инспекторлари бодикамера билан таъминланади. Давлат ҳисобидан қурилаётган ҳар бир объектга тоифасига қараб камида 2 тадан видеокамера ўрнатилади. Улар операторлар штабига маълумотларни онлайн юборади. Шунингдек, ноқонуний қурилишлар бўйича маҳалла раислари ва жамоатчилик назорати кучайтирилади. Эндиликда ҳар бир қурилаётган объект олдида QR кодли паспорти чиқариб қўйилади, исталган одам бу орқали ҳудудда қандай объект қурилаётгани, қачон рухсат олингани, ким қуриши, қачон ишга тушиши каби маълумотлар олиши мумкин бўлади. Агар QR кодли паспорт бўлмаса, қурилиш ноқонуний ҳисобланади.

– Йиғилишда Президентимиз Қурилиш соҳасида давлат назорат инспекциясини ҳам танқидий муҳокама қилиб, олдимизга бир қатор вазифа ва топшириқларни белгилаб берди, – деди Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инеспекцияси бошлиғи Сирожиддин Эшқувватов. – Жумладан, назоратдаги 30 мингта объектга 500 нафар назоратчини бириктириб, ҳар бир объект бўйича кундалик назорат ўрнатиш қаерда қандай масала бўлса жойда ҳал қилиш чораси топширилди. Операторлар штабини ташкил қилиш ва ҳар бир инспекторларни камералар билан таъминлаш қолаверса, ҳар бир қурилиш майдонига видеокамера ўрнатиш орқали қурилиш жараёнини онлайн кузатиш борасида топшириқларни берди. Давлат назорат инспекциясида барча шароитлар бор уларни қурилишда сифатни оширишга ноқонуний қурилишларни олдини олишга, пала-партиш қурилишлар бўлмаслигига, муаммоларни бартараф этишга халқимизни қийнаб келаётган ноқонуний қурилмалар билан боғлиқ муаммолар ечимига замин яратади.

Давлат объектларини лойиҳалаш ва қуришда ҳалигача “ресурс” усулидан фойдаланилаётгани қайд этилди. Келаси йил 1 январдан қурилишда “ресурс” усулидан воз кечиб, “ҳажм” усулига ўтиш режалаштирилган. Лекин бу тизимни ишлатиш тартиби ҳалигача тасдиқлангани йўқ. Вазирлар Маҳкамасига бу жараённи тезлаштириш топширилди. Мутасаддиларга ўқув курсларини ташкил қилиб, лойиҳачи, пудратчи ва назоратчиларни янги тизимда ишлашга ўқитиш, келгуси йил инвестиция дастурига кирадиган 1 300 дан зиёд объект “ҳажм” усулида қурилишини таъминлаш топширилди.

Уй-жойлар қурилишида алдов, тушунмовчиликлар учраб турибди. Шу боис энди уй-жой сотиб олиш бўйича кафолатли “эскроу” тизими жорий қилинади. Бунда девелоперлар ўзлари қураётган уйлар сотувини ташкил қилиш бўйича банклар билан шартнома тузади. Хонадон олмоқчи бўлган одамлар пулини қурувчига эмас, тўғридан-тўғри банкка топширади. Банклар эса йиғилган пулни қурувчига ресурс сифатида беради. Яъни, банклар қурувчи ва харидор ўртасида “кўприк” бўлиб, уй-жойни ўз вақтида ва сифатли қуриб, эгасига топширишга кафил бўлади. Мутасаддиларга ушбу янги тартибларни босқичма-босқич жорий этиш бўйича кўрсатма берилди.

Қурилишлар сифати ходимларнинг билим ва маҳоратига ҳам боғлиқ. Шу боис энди қурилишдаги ишчилар малакасини баҳолайдиган тизим татбиқ этилади. Бунда касбларга малака даражаси ва иш ўринларига аниқ талаблар белгиланади. Уни эгаллаши учун талабгорлар профессионал таълим муассасаларида ўқитилади. Мустақил ёки шогирд сифатида ўрганиб, малака имтиҳонидан ўтган мутахассислар ўқимасдан сертификат олади. Худди шундай тизим лойиҳа ташкилотлари учун ҳам бўлади. Давлатимиз раҳбари йиғилишда муҳокама қилинган масалалар бўйича тадбиркорларнинг таклиф-мулоҳазаларини эшитди. Маҳаллий хомашёларни қайта ишлаб, бозорбоп маҳсулотлар тайёрлаш, мажбурий сертификат тизимини жорий қилиш орқали соғлом рақобат муҳитини яратиш, қурилишга ишчиларни соддалашган тартибда олиш каби кўплаб таклифлар бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берилди.

ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИДА

◀ 1-бет

Кенгайтирилган йиғилишда муҳим вазифалар кўрилди



Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири в.б Шерзод Ҳидоятов бошчилигида навбатдаги кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда вазирлик ва унинг тизим ташкилотлари масъуллари, ҳудудий бошқармалар вакиллари ва архитекторлар иштирок этдилар.



Тадбирда таъкидланганидек, қурилиш индустриясини ривожлантиришга бугун ҳар қачонгиданда кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Аммо бу борада эришилаётган ютуқлар қатори камчиликлар, қонунбузилиш ҳолатлари ҳам йўқ эмас.

Шерзод Ҳидоятов мазкур жиҳатларни танқидий кўриб чиқар экан, масъулият ва халқ олдидаги бурчнинг аҳамиятига тўхталиб ўтди. Хусусан, тизим ташкилотлари ва ҳудудий бошқармаларнинг жорий йилдаги фаолияти таҳлил этилганда бир қатор қонунбузилиш ҳолатлари аниқланган. Жумладан, ҳудудий “Архитектура-шаҳарсозлик” Кенгашига киритилган лойиҳаларни кўриб чиқиш ва келишиш муддатлари сурункали равишда бузилган. Бу борадаги энг қониқарсиз аҳвол Бухоро, Қашқадарё, Жиззах ва Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида аниқланган.

Якка тартибдаги уй-жойлар ҳудудида қўшимча кўп қаватли турар жойлар қурилишига рухсатномалар берилиши оқибатида аҳолининг мурожаати кундан-кунга кўпаймоқда. Низоли масалалар аҳоли яшаш уйлари билан оралиқ масофа сақланмаслиги оқибатида юзага келаётгани билан боғлиқ. Бу жиҳатлар Самарқанд, Фарғона ва Тошкент вилоятларида кескин ошган. Шунингдек, туман (шаҳар) қурилиш бўлимларининг объектни ихтисослигини ўзгартиришга берган рухсатномалари ўрганилганда 20 та ҳолатда жами 280 950 квадрат метр нотурар жой объектлари ва унинг бутун эгаллаган ер участкаси ҳамда қурилиш қилинмаган бўш ер участкалари турар жой сифатида хусусийлаштирилган. 19 та ҳолатда 235 950 квадрат метр турар жой сифатида яшашга яроқсизлиги туфайли рухсатнома бериш тегишли талаб ва шартларига мувофиқ берилмаган. 1 та ҳолатда 45 000 квадрат метр қурилиш қилинмаган бўш ер участкаси якка тартибдаги уй-жой қуриш учун ихтисослиги ўзгартириб берилган.

Шерзод Ҳидоятов ҳудудларда аҳоли пунктларининг бош режаларига амал қилиш кўрсаткичларини ҳам қайд этар экан бу борада бошқармаларнинг эътиборсизлигини қатъий танқид қилиб, шундай деди:

– Бу кўрсаткичлар ҳали тизимда кўп ишларни ислоҳ қилишимиз лозимлигини англатади. Бугун қурилиш соҳасида рақамлаштиришни янада кучайтириш, сунъий интеллектни айнан назорат тизимига жорий этиш юзасидан катта лойиҳаларни бошлаганмиз. Соҳага доир ҳар қандай жараён рақамлашади ва аниқланган қоидабузарлик ҳолатларига таъсирчан чоралар кўрилади.

Тадбирда шунингдек, вазир ўринбосари Давронжон Адилов ҳам сўзга чиқиб, шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқишда йўл қўйилаётган камчиликларга тўхталиб ўтди. Таъкидланганидек, давлатимиз раҳбарининг тегишли қарорига асосан, 154 та шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқилиши белгиланган бўлсада, бугунга қадар 147 таси бажарилган холос. Хусусан, Жиззах, Фарғона ва Урганч шаҳарлари бош режаси ҳалигача якунланмаган.

Шунингдек, йиғилишда соҳада коррупцион ҳолатларнинг олдини олиш, унга қарши курашиш бўйича таъсирчан чора-тадбирлар қўлланиши, шаффофликни таъминлаш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик, ходимларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди. Йиғилишда ҳудудий бошқармалар вакиллари ва архитекторларнинг таклиф ҳамда мулоҳазалари қабул қилинди. Тадбир якунида барча иштирокчиларга ўз масъулиятини ошириш бўйича талаб қўйилди. Соҳада ҳушёрлик ва ҳалолликнинг аҳамияти яна бир бор эслатиб ўтилди.

Сервис хизматларидан аҳоли мамнун

Жорий йилнинг 10 июнь куни давлатимиз раҳбари раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида энергия самарадорлиги, кўп қаватли уйларни бошқариш ва куз-қиш мавсумига тайёргарлик масалалари атрофлича муҳокама қилинганди. Давлат раҳбари кўп қаватли уйлардан фойдаланишда янги ёндашувларни татбиқ этиш, энергия тежамкор технологияларни жорий қилиш, куз-қиш мавсумида уйларнинг иссиқлик таъминотини яхшилаш бўйича аниқ кўрсатмалар берганди.

Андижон вилоятидаги бошқарув сервис компаниялари ушбу тизимни янгича ёндашувда амалга оширишни бошлаган. Хусусан, “Янги Андижон” массивида йўлга қўйилган бошқарувни олайлик. У ерда уйларнинг нафақат ташқи кўриниши, балки ички инженер тармоқлари, сув ва иссиқлик таъминоти тизимлари ҳам тўлиқ қайта кўриб чиқилди.

– Вилоятимизда жами 2 036 та кўп қаватли уйлар мавжуд бўлиб, уларда 58 643 та хонадонлар мавжуд, – деди Қурилиш уй-жой хўжалиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари Жавоҳир Худойбердиев. – Ушбу хонадонларга 2024 йил ҳолатига кўра, 29 та бошқарув сервис компаниялари хизмат кўрсатиб келяпти. Бу бошқарув сервис компанияларининг 474 та ишчи-ходимлари ва 600 дан ортиқ моддий-техник база билан тўлдирилган. 2024–2025 йилларда куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш мақсадида вилоят раҳбари бошчилигида ушбу уйларга ишчи гуруҳ шакллантирилган. Ушбу ишчи гуруҳ томонидан кўп қаватли уй-жойлар тўлиқ қамровга олиниб, ҳамма керакли ташкилотлар ўз вазифасини газ, электр, сув, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, ундан ташқари, энергия самарадорлигини ва энергиядан тўғри фойдаланиш бўйича ишлар бажарилмоқда. Энергия самарадорлигини таъминлаш мақсадида бошқарув сервис компаниялари томонидан ҳар бир қурилган янги уйлар томига қуёш панеллари, геоколлекторлар, сенсорли лампочкалар ўрнатилмоқда.

Вилоятда 2023 йилнинг август ойидан бошлаб назорат ишлари республика ва маҳаллий ҳокимлик органлари томонидан олиб борилмоқда. Икки йил қурувчи томонидан қурилиш компанияси, сўнгра БСКлар томонидан кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатилиши тўғрисида ҳам тегишли қарор бор. Кейинги йилларда ушбу қарорни янада такомиллаштириш мақсадида БСКларга катта вазифалар юкланган бўлиб, 24-7 режимида аҳолига хизмат кўрсатиб келинмоқда.

Аҳоли билан ўтказилган суҳбатларда маълум бўлдики, кўп қаватли уйларда сервис хизматларини амалга оширишдаги туб ўзгаришлар уларнинг кундалик турмушига ижобий таъсир кўрсатган. Ҳатто, чиқинди олиб чиқиш, йўлларини таъмирлаш ва умуман уй атрофидаги тозалик ишлари ҳам аҳолининг миннатдорлигига сабаб бўлмоқда.

Яқинда мамлакатимизда бошқарув компанияларининг хизматлари учун минимал таъриф белгиланди. Энди нафақат хизматлар учун тўланадиган маблағ, балки хизмат сифати ҳам яхшиланиши керак. Андижон вилоятида ҳам ушбу йўналишда сезиларли ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Уй-жой коммунал соҳа мутасаддиларига аҳоли бошқарув компанияси коммунал ташкилот ва пудратчи занжирини яратиш вазифаси топширилган. Бу занжир уйлардаги турли техник муаммоларни тезкорлик билан ҳал қилишни таъминлашга қаратилган.

– Бугунги кунда БСКларнинг хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлиги ошди, – деди Жавоҳир Худойбердиев. – Авваллари молиявий аҳволи оғир ширкатлар бўларди. Уларнинг ўрнига 19 та БСК ташкил қилиниб, уларнинг ишларини тўғри йўлга қўйиш мақсадида 110 миллиард сўм миқдорида кредит маблағлари таъминланди. Бугунги кунда аҳолининг тўлов маданияти ошиб бормоқда. БСКнинг вазифалари, уларга тўловлар амалга оширилиши замирида сифатли коммунал хизмат кўрсатиш тизими йўлга қўйилганидан аҳолининг хабардорлиги ҳам ортиб бормоқда

Андижон вилоятидаги бошқарув компаниялари нафақат уйларни бошқариш, балки янги иш ўринлари яратиш бўйича ҳам фаолият олиб бормоқда. Кўплаб ёшлар ва ишсиз фуқаролар сервис ва бошқарув компанияларида ишга жалб қилинмоқда. Бу эса аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қиляпти. Шу билан бирга йирик компаниялар билан ҳамкорликда уйлардаги техник хизматлар сантехника ва электрчилар каби малакали мутахассисларнинг ўқитилиши ва ишга қабул қилиниши ҳам ташкил этилган. Бу нафақат уйларнинг техник ҳолати учун, балки аҳолининг хавфсизлиги ва қулайлиги учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Бошқарув сервис компаниялари томонидан уйлар ва атроф-муҳитни энергия самарадорлигига йўналтириш бўйича ҳам тизимли ишлар амалга ошириляпти. Хусусан, кўп қаватли уйларда энергия тежамкор ускуналардан фойдаланиш орқали электр энергияси сарфини камайтиришга хизмат қилинмоқда. Бундан ташқари, йўл чироқларини замонавий қуёш панеллари орқали ёритиш ишлари ҳам кенг кўламда йўлга қўйилган. Бу нафақат энергия тежашга ёрдам беради, балки муҳитга зарар етказмасдан ёритиш тизимини таъминлайди.

Аҳоли учун сервис хизматларининг тубдан ўзгариши ва уйларнинг кафолатланган ҳолатда сақланиши уларнинг турмуш сифатини сезиларли даражада оширмоқда. Келгусида ушбу йўналишда янада кўпроқ инновацион ечимлар жорий этилиши кутиляпти. Бу эса нафақат техник таъмирлаш ишлари, балки уйларнинг экологик жиҳатдан ҳам барқарорлигини таъминлашга қаратилган. Бу эътибор аҳолининг турмуш даражасини ошириш, иқтисодий самарадорликни таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, энергия тежаш ва замонавий технологиялардан фойдаланиш орқали мамлакатимизда кўплаб ресурсларни тежаш, табиатга салбий таъсирларни камайтириш мумкинлигини таъкидлаш керак. Давлатимиз раҳбарининг бу каби янгича ёндашувлари кўп қаватли уй-жойларни бошқариш тизимини тубдан яхшилашга қаратилган.

Ўз мухбиримиз.

Мавсумга тайёргарлик
жадал давом этмоқда

Мирзасултон БОБОБЕКОВ, Жиззах вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

Бугунги кунда Жиззах вилоятида 2448 та кўп квартирали уй-жой мавжуд бўлиб, улардаги 42 908 та хонадонда 138 мингдан кўпроқ фуқаро истиқомат қилади. Мазкур уй-жойларга ҳудудлардаги 31 та бошқарув ташкилоти хизмат кўрсатиб келмоқда. Улар билан ҳамжиҳат ишлаган ҳолда айни пайтда куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари жадаллик билан давом этмоқда.



Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 6 июлдаги “Иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий ва энергетика соҳаси объектлари ҳамда кўп квартирали уй-жой фондини 2024/2025 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 388-сонли қарори ҳамда унинг ижроси юзасидан вилоят ҳокимининг 2024 йил 26 июлдаги 441-3-0-Қ/24-сонли қарорига асосан 2024-2025 йиллар куз-қиш мавсумига вилоятдаги кўп квартирали уйларни тайёрлаш бўйича ҳудудлар талабларига кўра 145 та уй-жойларда таъмирлаш ишлари бўйича манзилли рўйхат шакллантирилган.

Жорий йилнинг 1 сентябрига қадар 1,9 млрд сўм миқдордаги бошқарув ташкилотлари маблағлари ҳисобидан мазкур уй-жойлар таъмирдан чиқарилди. Бунда уйларнинг том қисми, кириш йўлаклари, электр тақсимловчи шитлар, ертўла ва уй ички муҳандислик коммуникациялари, уйларнинг фасад қисмларини таъмирлаш, кодли темир эшиклар, энергиятежамкор лампаларни ўрнатиш ишлари амалга оширилди. Бундан ташқари, ҳудудий ҳокимликлар томонидан ажратилган қарийб 3,1 млрд сўм маблағлар ҳисобидан ҳудудлардаги 25 га яқин уй-жойлар ҳам таъмирдан чиқарилди. 2024-2025 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш жараёнида иссиқлик тизими соҳасини ривожлантириш мақсадида 1,2 млрд сўм маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан вилоятдаги 2 та қозон ва 3,1 км иссиқлик тармоқларини таъмирлаш режалаштирилган. Мазкур ишлар жорий йилнинг 20 сентябрига қадар якунланиши кўзда тутилмоқда.

Булардан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 декабрдаги “2024-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфиратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги ПҚ-404-сонли ва раёсат қарорларига асосан, вилоятимизда 163 та объект киритилган. Шундан 125 таси янгидан бошланувчи ва 38 таси ўтган йилдан ўтувчи ҳисобланиб, 144 тасини жорий йилда фойдаланишга топшириш ҳамда қолган 19 таси жорий йилдан кейинги йилларга ўтувчи этиб белгиланган. Янгидан бошланувчи 125 та объектнинг 119 таси бўйича лойиҳа ташкилотлари аниқланган. Қолган объектлар бўйича лойиҳа олди ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда.

Лойиҳа ташкилотлари томонидан 119 та объектнинг 105 тасини лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёр бўлиб, 14 таси бўйича берилган камчилик (замечания) ларни бартараф қилиб, ишлаб чиқиш жараёнида. 11 та объект бўйича ижобий экспертиза хулоса олиниш жараёнида. Комплекс экспертиза хулосаси олинмаган иккита объект бўйича ижобий экспертиза хулоса олиниш жараёнида. “Шаффоф қурилиш” платформаси орқали эълонга берилмаган битта объектнинг манзилли рўйхати келишилгандан сўнг тендер платформасига жойлаштирилади. Шунингдек, янгидан бошланувчи объектлар бўйича 100 та пудрат ташкилоти аниқланган бўлиб, 74 та “Шаффоф қурилиш” тендер савдолари, 9 та ёпиқ танлов ҳамда 17 таси тўғридан-тўғри танлаб олинган. Ҳозирда ушбу объектларнинг барчасида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Йилдан-йилга ўтувчи 38 та объект, шундан, 5 таси бўйича ҳанузгача молиялаштириш очилмасдан қолмоқда. Объектлардаги қурилиш-таъмирлаш ишлари учун бюджетдан 516,7 млрд сўм маблағ ўзлаштирилган.

Бир сўз билан айтганда, халқимизнинг тинч ва хотиржам, фаровон яшаши учун бор кучимизни сафарбар этганмиз. Ўйлайманки, қилинган ишлар ўз самарасини бермасдан қолмайди. Бунинг учун сизу биз бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишимиз керак. Ўзимиз яшаётган манзиллар ободлиги ҳақида ҳар биримиз қайғуришимиз шарт. Шундагина юксалиш учун қўйган қадамларимиз шаҳдам бўлади.

“ЁЗДА ЧАНГ, ҚИШДА ЛОЙ КЎЧАЛАР ТАРИХДА ҚОЛДИ”

Зиё СИРОЖ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Сўнгги 25-30 йилда замондошларимиз ички йўллар билан боғлиқ қийинчиликлардан азият чекдилар. Имкон қилганлар шағал тўкиш орқали муаммога ечим излади. Эндиликда ҳукуматимиз томонидан мавзуга доир ислоҳотлар амалга оширилиши натижасида обод манзиллар сони ортди.



Ҳатто энг чекка ҳудудлардаги ички кўчалар ҳам асфальтланиб, аҳоли учун қулай шароитлар яратилмоқда. Хусусан, Андижон туманидаги “Кўмкўча” МФЙ шулар жумласидандир. Маҳалла ташкил этилганига салкам 100 йил бўлсада, бироқ, шу кунгача кўчалар асфальт қилинмаган эди.

– Ҳар йили куз ва баҳор мавсумида кўчаларимизга ўз кучимиз билан шағал тўктирардик, – деди ушбу маҳаллада яшовчи Одилбек Сойибназаров. – Тўғри, лойда юриш азобидан холи бўлардигу, бироқ, барибир асфальтга етмас экан. Сабаби, кузда тўкилган шағал баҳоргача етиб бормай, ерга ботиб кетади. Оқибатда ёғин-сочинли кунлардан кейин яна шағал тўкишимизга тўғри келарди. Бу йўлнинг кўтарилиб кетишига ҳам сабаб бўлаётганди. Шукрки, бугунги кунда кўчамизга асфальт босилмоқда. Энди биз ҳам қўшни ён кўчалардан қолишмайдиган шароитга эга бўлган йўлда юрамиз...

– Ҳозирги кунда вилоятда 13 минг 346 километр узунликдаги автомобиль йўли мавжуд бўлиб, шундан 2 минг 463 километри умумий фойдаланишдаги, 10 минг 883 километри эса ички автомобиль йўллари ҳисобланади, – деди Андижон вилояти автомобиль йўллари бош бошқармаси бошлиғи Мирзоҳиджон Нурматов. – Шундан, 3 минг 870 км дан иборат ички кўчалар таъмирталаб бўлиб, ҳозирга қадар ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида 46,1 миллиард сўм маблағ ҳисобига жами 238 километр йўлда қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. “Менинг йўлим” дастури доирасида эса 48 километр ички йўл таъмирланиб, 229,7 километр тупроқ йўлга шағал ётқизилди.

Шунингдек, ҳудудлар инфратузилмасини яхшилашда “Ташаббусли бюджет” лойиҳасининг ҳам аҳамияти катта бўлмоқда. Жорий йил 1-мавсумдаги овоз бериш натижаларига кўра умумий қиймати 82 миллиард 210 миллион сўмга тенг бўлган 63 та лойиҳа ғолиб деб топилди. Мазкур лойиҳалар доирасида маҳаллалар йўлининг 221,2 километр қисмида асфальтлаш ишлари олиб борилмоқда.

– Ҳар гал телевизорда маҳаллаларда амалга оширилаётган ишларни кўрсам, ҳавасим келарди, – деди Олтинкўл туманидаги “Узун кўча” МФЙда яшовчи Санобархон Аҳмадалиева. – Ҳукуматимизга раҳмат, кейинги йилларда ҳар бир кўчага эътибор қаратилмоқда. Яқинда бизнинг маҳаллада ҳам ички йўллар асфальтланди. Ёзда чанг, қишда лой кўчадан юрган пайтларимиз энди тарихда қолди...

Йўлни асфальтлаш билангина иш битмайди. Бу жараёнда унинг сифатини асраш орқали фойдаланиш муддатини сақлаб қолиш ҳам муҳимдир. Шу боис, бошқарма томонидан кўчма тарози фаолияти ташкил этилиб, унда йўлларда ҳаракатланаётган транспорт воситаларининг вазни назорат қилиняпти. Хўш, бу нега керак?

– Ҳар бир йўлда автомобилларнинг ҳаракатланишлари учун вазн тоифаси белгилаб берилган, – деди бошқарма ходими Юлдузхон Маллабоева. – Белгиланган вазн тоифасидан оғир ҳажмдаги транспорт воситаларининг ҳаракатланиши йўлнинг сифатига путур етказади. Шу боис, вилоятнинг 2 минг 463 километр умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлига бириктирилган 43 та йўл бўлимлари замонавий планшетлар билан таъминланди. Йўллар ҳолатининг белгиланган техник кўрсаткичлари онлайн равишда ягона онлайн маълумотлар базасига киритиб борилмоқда.

Tinchlik – eng oliy ne’mat

Jamshid MARDIYEV, O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari akademiyasi o‘qituvchisi, podpolkovnik.

Yosh avlodni har tomonlama yetuk qilib kamol toptirishda, shubhasiz, oila va mahalla hamkorligining o‘rni beqiyos.

Haqiqatdan ham, oilada tinchlik hukmronlik qilsa, shubhasiz, mahalla ham osoyishta bo‘ladi. Vatan tinchligini asrash, osuda hayotimizning qadriga yetish esa nafaqat oila, balki ta’lim maskanlarida ham olingan tarbiyaning mevasi, desak mubolag‘a bo‘lmaydi.

Bugungi kunda yurtimizdagi har bir mahalla fuqarolar yig‘inida mahalla yettiligi tashkil etilgan bo‘lib, unda yoshlarni harbiy vatanparvarlik ruhida tarbiyalashga doir ishlar samaradorligini oshirish, yoshlar ongida vatanni sevish, mardlik tuyg‘ularini shakllantirish borasida ko‘plab samarali ishlar yo‘lga qo‘yilgan.

Joriy yilning 12-yanvar kuni O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti, Qurolli Kuchlar Oliy Bosh Qo‘mondoni Shavkat Mirziyoyev raisligida bo‘lib o‘tgan Xavfsizlik kengashining kengaytirilgan yig‘ilishida yoshlar masalasiga alohida to‘xtalib, mas’ullarga bajarilishi lozim bo‘lgan bir qator muhim topshiriqlar berilgan edi.

Ushbu topshiriqning ijrosini ta’minlash maqsadida O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari akademiyasi Davlat xavfsizlik xizmati Chegara qo‘shinlari kafedrasi o‘qituvchilari ham bir qator ishlarni amalga oshirib kelmoqda. Jumladan, poytaxtimizning Mirzo Ulugbek tumanidagi “Sho‘rtepa” MFYdan chet elga ketgan yoshlar ro‘yxati qayta shakllantirilib, migratsiyadagi ish faoliyatlari o‘rganildi. Shuningdek, mahalla xodimlari bilan birgalikda notinch oilalarni yarashtirish maqsadida profilaktik suhbatlar tez-tez tashkil qilinmoqda.

“Aquatherm Tashkent – 2024” кўргазмаси ўтказилди

Муродбек ҲАЙДАРОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Тошкент шаҳрида XII Халқаро “Иситиш, вентиляция, кондиционерлар, сув таъминоти, сантехника, бассейнлар, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш технологиялари ва қайта тикланувчи энергия манбалари – Aquatherm Tashkent 2024” кўргазмаси бўлиб ўтди.



Шаҳар инфратузилмасининг жадал ривожланиши ва энергия самарадорлиги талабларининг ортиши туфайли ушбу кўргазма дунёнинг турли бурчакларидан келган етакчи мутахассислар ва экспертларни бирлаштирган ғоялар ва инновациялар алмашиш учун ноёб платформа ҳисобланади. Бугунги кунда замонавий бинолар нафақат меъморий объектларга, балки қулайлик ва хавфсизлик диққат марказида бўлган маконга айланмоқда. Бундай шароитларни яратишда HVAC/R технологиялари муҳим роль ўйнайди. Шунингдек, улар оптимал микроиқлим самарадорлиги ва ишончлилик учун жавоб берадиган сув таъминоти ва сантехника тизимларини таъминлайди.

“Aquatherm Tashkent 2024” кўргазмаси нафақат ушбу соҳалардаги энг янги ечимларни намойиш этади, балки атроф-муҳитга бўлган босимни камайтиришга ёрдам берадиган яшил технологияларга ҳам эътибор қаратади. Жорий йилда кўргазмада 12 мамлакатдан 190 та компания иштирок этди. Яъни, унда Болгария, Германия, Италия, Озарбайжон, Россия, Туркия, Туркманистон, Украина, Хитой, Чехия, Эрон, Ўзбекистон каби давлатларнинг бренд маҳсулотлари намойиш этилди. Хорижий мамлакатлар орасида иштирокчилар сони бўйича топ 3 таликни Хитой, Туркия ва Россия мамлакатлари қўлга киритди.

Биз хорижий мамлакатдан ташриф буюрган корхона вакилларини суҳбатга тортдик.

– Корхонамиз 2023 йилда ишга тушган бўлиб, иситиш ва совутиш тизимлари, вентиляция жиҳозлари ишлаб чиқариш билан шуғулланамиз, – деди Хитойнинг “Mainflow” компанияси сотув бўлими вакили Лйнн Лин. – Бу йил кўргазмада илк бор қатнашдик. Иштирокчилар маҳсулотларимизга катта қизиқиш билдиришди. Кўргазма давомида қатор ҳамкорлар билан келишувлар тузишга эришдик. Келгуси йил ҳам кўргазмага янги маҳсулотларимиз билан қатнашиш ниятидамиз.

Кўргазманинг ҳар бир бўлими кўзга ташланадиган премъераларни тайёрлагани эса ташриф буюрувчиларга маҳсулотлар билан чуқурроқ танишиш, компания вакилларидан маслаҳат олиш ва баъзи стендларда маҳсулотларни синаб кўриш имкониятини берди. Масалан, RTP стендида ташриф буюрувчилар муҳандислик сантехникасини ўз қўллари билан ўрнатиб кўришди. Бу эса ҳар бир иштирокчи учун ноёб интерактив тажриба яратиш билан бир қаторда RIFAR радиаторларининг янги моделлари билан танишиш имкониятини яратди. PARS MOTORS мутахассислари эса турли лойиҳалар учун идеал двигателни топишга ёрдам берди. KASHLUX стендида ташриф буюрувчилар Grundfos, Wavin, Buderus, Danfoss, Rehau ва Mitsubishi Electric каби глобал брендларнинг маҳсулотлари билан танишиб, мутахассислардан батафсил маълумот олишди.

– Компаниямиз 2013 йилдан буён Озарбайжоннинг Сумгаит шаҳрида фаолият юритиб келади, – деди “Azertexnolayn” корхонасининг сотув менежери Тофиқ Фейзуллаев. – Корхонамизда металл қувурлар, металл тўсиқлар, полиэтилен ва қуйма темир маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Мазкур кўргазмага 4 йилдан буён қатнашиб келмоқдамиз. Айни пайтда харидорлар нисбатан камроқ бўлса ҳам, ушбу кўргазма биз учун анчайин самарали бўлади, деган умиддамиз.

“Aquatherm Tashkent 2024” кўргазмасида атроф-муҳитга салбий таъсирни камайтиришга қаратилган экологик тоза технологияларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Саноатнинг етакчи компаниялари томонидан оқава сувларни қайта ишлаш, қуёш иссиқ сув тизимлари ҳамда хавфсизлик ва энергия сарфини назорат қилиш учун ақлли тизимлар ечимлари тақдим этилди.

ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ
муборак бўлсин!

2024 йил октябрь ойининг 8 - 10 саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими бош мутахассиси **Фатиме Бўриева,** раҳбар котибаси **Гўзал Абдураимова,**

“Ўзоғирсаноатлойиҳа” ООРТР етакчи мутахассиси **Раҳимжон Мамажонов,**

“Ташгипрогор” АЖ ГАП сектор раҳбари **Ҳаким Ташмуҳамедов,**

“O‘zshaharsozlik LITI” бош лойиҳа институти ДМ “Самарқанд” филиали лойиҳа бош архитектори **Миржалол Раҳматов,**

“Qo‘qon Loyiha Qurilish” МЧЖ архитектори **Муҳаммадали Тожиматов,**

Қорақалпоғистон Республикаси, Қонликўл тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош режаларни амалга ошириш ва объектларни жойлаштириш бўйича архитектори **Муратбай Қаражанов,**

Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси архивариуси **Моҳидил Назарова,** Ичимлик суви, оқава сув ва иссиқлик таъминоти тизимларини ривожлантириш шўъбаси бошлиғи **Неъмат Джумаев,**

Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими бош мутахассиси **Қаҳрамон Қодиров,**

Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси буюртмачилар билан ишлаш бўлими етакчи мутахассиси **Отабек Саидов,**

Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармасида иш юритувчи **Лайло Шакирова,**

Андижон вилояти, Андижон туманидаги “Бизнес дўстлик уйлари” БСК МЧЖ бош директори **Сайёра Атаханова,**

Наманган вилояти, Поп туманидаги “Шодиёна уй” БСК МЧЖ бош директори **Собиржон Ҳасанов,** Чортоқ туманидаги “Chortoq Yagona Obod-Uy Komunal Servis” БСК МЧЖ бош директори **Азамат Шариббоев**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР, ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!

“ШАҲРИСАБЗ ПАХТА ТОЗАЛАШ” АЖ

АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз шаҳри, Ипак йўли кўчаси, 110-уйда жойлашган “Шаҳрисабз пахта тозалаш” АЖ 2024 йил 26 октябрь куни соат 11.00 дан бошлаб юқоридаги манзилда акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши бўлишини маълум қилади.

Умумий йиғилиш кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:

1. “Шаҳрисабз пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини ва саноқ комиссияси таркибини тасдиқлаш.
2. “Шаҳрисабз пахта тозалаш” АЖни тугатиш комиссиясининг ҳисоботини эшитиш.
3. Акциядорлар билан ҳисоб-китоблар тўғрисида.
4. “Шаҳрисабз пахта тозалаш” АЖнинг тугатиш балансини тасдиқлаш.
5. Жамият ҳужжатларини архивга топшириш, қимматли қоғозлар чиқарилувини бекор қилиш бўйича Истиқболли лойиҳалар миллий агентлигига ариза тақдим этиш ва жамият фаолиятини тугатиш ишларини якунлаш тўғрисида.

Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорлар рўйхати 2024 йил 22 октябрь ҳолатига шакллантириладиган акциядорлар реестрига асосан тузилади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши қатнашчиларини рўйхатга олиш 2024 йил 26 октябрь куни соат 10.00 да бошланиб соат 11.00 гача давом этади.

Умумий йиғилиш қатнашчиларининг паспорти, акциядорлар вакилларининг ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончномалар билан келишлари сўралади.

Йиғилиш ўтказилишига тайёргарлик кўриш даврида ахборот (маълумот)лар билан танишиш учун қуйидаги телефон рақамларига мурожаат қилиш мумкин: 97-381-45-43.

Электрон почта: shahrisabzpaxta@mail.ru

“Шаҳрисабз пахта тозалаш” АЖ тугатиш комиссияси.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№82 (835) 2024 йил 8 октябрь



“Arda Khiva” – Хиванинг эгизаги

Болтабой МАТҚУРБОНОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Урганч шаҳридан Хивага қараб йўлга чиқсангиз, музей шаҳарга тўрт-беш километр қолганда йўлнинг ўнг томонида гўзал бир шаҳарча қад ростлаётганига кўзингиз тушади. Бу ҳам қадимий ва ҳамиша навқирон Хива шаҳрининг ўзгинаси бўлиб, фарқи замонавийлигида. Шаҳарчанинг номи “Arda Khiva” деб аталади.

Бунинг маъноси нима?

Бу ном хаёлингизни бирдан узоқ-узоқларга олиб кетади. “Arda Khiva” бу – порт шаҳар Хива дегани. Нега энди порт шаҳар? Ахир, бу ерда на денгиз, на кема бор. Шу каби саволлар сизга тинчлик бермаслиги аниқ.

Хоразм вилоятининг бош меъмори бўлиб ишлаган, бугун ҳам нафақага чиққан бўлишига қарамай шогирдларига иш ўргатиб, бир-биридан чиройли меъморий обидалар тархини чизиш ҳамда бунёд этишга бош-қош бўлаётган Комилжон Матчоновнинг ҳикоя қилишича, бир пайтлари Хиванинг шундоққина ёнгинасидан Амударё оқиб ўтган. Бу қадим дарёнинг Каспий денгизга қуйилгани ҳақида ҳам маълумотлар бор. Ушбу янги шаҳарчанинг ёнгинасида умумий майдони 150 гектар бўлган катта Ғовик кўл мавжланиб ётибди. Тарихнинг шоҳидлик беришича, бу кўлни бир пайтлари “Ғов” дарёси деб ҳам атаганлар. Шу пайтгача Ғовик кўлининг пайдо бўлишини Хива Ичон қалъаси обидалари учун лой олинган жой деб келишган. Аммо олимларнинг сўнгги изланишлари самараси ўлароқ, Ғовик кўли қадим Амударёнинг ўрни бўлган. Амударёнинг бурилиш жойларида Ғовик кўлга ўхшаган катта-катта кўллар сақланиб қолганини кўришимиз мумкин. Ғовик кўли ҳам улардан биридир.

Буюк ипак йўли деганда, энг аввало, туялар карвони кўз олдимизга келади. Аммо Хоразмда қадим Буюк ипак йўли кемалар ёрдамида, сув йўли орқали амалга оширилганидан бехабармиз. Хива – ана шу Буюк ипак йўлининг порт шаҳарларидан бири бўлган. Бу ерда кемаларда савдогарлар узоқ-узоқлардан мол олиб келиб, Хива бозорларида сотишган. Хивадан ўз вақтида керакли бўлган молларни олиб кетиб, ўз юртларида савдо қилишган. Шунда ҳозирги Ғовик кўл ўрни кемалар тўхтайдиган порт бўлган. Шунинг учун ҳам мазкур шаҳарча рамзий маънода “Arda Khiva” деб аталган.

Янги шаҳарчанинг қурилиш ғояси аслида Президентимиз ташаббуси эканини ҳам таъкидлаш зарур. Бундан тўрт йил олдин юртбошимиз Хоразмга ташрифи чоғида бу мавзуга тўхталиб, шундай деган эди: “Ҳақиқатан ҳам, Хоразмнинг тарихи жуда узоқларга бориб тақалади. Биз Хивани томоша қилиш учун келаётган сайёҳларга фақат унинг 400 йиллик тарихини кўрсата оламиз. Ундан олдинги тарихиничи? Йўқ. Дунёнинг турли бурчакларидан Хивани кўриш учун келаётган хорижлик сайёҳлар Ичон қалъани томоша қилишадию кетишади. Бир кун, ё икки кун меҳмон бўлишади. Хоразмнинг тарихини ўзида яққол акс эттирувчи шундай бир шаҳарча бунёд этиш керакки, келаётган сайёҳ уни ҳам томоша қилсин, ҳам мароқли ҳордиқ чиқарсин. Шу билан Хоразмга сайёҳатини уч тўрт кунга чўзсин”.

“Arda Khiva”ни барпо этишдан олдин воҳанинг меъмор ва мутасадди ташкилот раҳбарлари бир жойга тўпланиб, шаҳарчани қаерга қуриш ҳақида бош қотиришди. Ичон қалъага теккизиб қурсак, яхши бўлади, дегувчилар ҳам топилди. Сабаби, ҳамма ансамблар бир жойда жам бўлади. Кўпни кўрган архитектор Комилжон Матчонов шундай деди:

– Ичон қалъага тегмайлик, у қадимда қандай турган бўлса шундайлигича қолсин. Сизларга шаҳарчага муносиб шундай бир жойни кўрсатаман, кўриб қойил қоласиз.

Шундай қилиб, Комилжон ака унумдорлиги паст, шўрхок ерни йиғилганларга кўрсатди. Бир ёни Ғовик кўлга туташиб кетган бу жой ҳаммага маъқул бўлди. Шаҳарчани кейин ҳам давом эттириш мумкин, чунки бир ерда 150 гектарлик катта кўл ястаниб ётибди.

Шу йилнинг май ойида қурилиш ишлари бошланган бу йўлдош шаҳарчада бугун иш қизғин. 3000 нафардан ошиқ қурувчи меҳнат қилаётган мазкур мажмуани шу йилнинг охирига қадар ишга тушириш назарда тутилган.

Хўш, ушбу шаҳарчада хорижий ва маҳаллий сайёҳларга хизмат кўрсатиш учун қандай қулайликлар мавжуд?

“Arda Khiva” шаҳарчасида 5 та 810 ўринли меҳмонхона, 13 та меҳмон уйи, бир йўла 2000 кишига хизмат кўрсатувчи очиқ ва 2000 кишига хизмат кўрсатувчи ёпиқ аквапарк ҳамда аттракционлар, саҳна узунлиги 60 метр бўлган 3000 ўринли амфитеатр, барча қулайликларни ўз ичига олган соҳил бўйида сайр қилиш учун 4 километрли йўлаклар барпо этилмоқда. Шунингдек, қадимий Хиванинг ҳунармандчилигини акс эттирувчи 11 та ҳунарманд уйи, 500 квадрат метрдан иборат “Кўҳна Урганч” номидаги тарих музейи, 5000 квадрат метрли мусиқали фаввора, 100 ўринли савдо растаси ва 30 та савдо дўкони, “Шарқ бозори”да 200 та савдо растаси, 40 та дўкон, 9 та ресторан ва енгил тамадди учун шохобчалар, 5 та кинотеатр ва концерт заллари, 2 километрли қайиқда сайр қилиш учун ариқлар, 1000 та автомашинага мўлжалланган автотураргоҳ, сув мототуризими, “Made in Uzbekiston” кўргазмалар павильони, заргарлик маркази савдо биноси ва бошқа объектлар бунёд этилиши кўзда тутилган.

Бундан ташқари, шаҳарчани электр энергияси билан таъминловчи 10 МВт яшил энергия тригенерацияси ҳам қурилмоқда. Қолаверса, лойиҳада Ғовик кўлини реконструкция қилиш ҳам белгиланган. Ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 1,1 трлн сўмни ташкил этади. Шаҳарча битса, 2000 нафар киши иш билан таъминланиши назарда тутилган. “Arda Khiva” – йўлдош шаҳарчасининг умумий майдони 24,5 гектар бўлиб, умумий қурилиш ости майдони эса 77000 квадрат метрни ташкил этади. Шаҳарча тўлиқ қадимий Хива архитектура ёдгорликлари услубида қад ростламоқда. Бу ерга чиройли бадиий безакли қўш дарвозадан кирилади. Келаётган меҳмонларга кулайлик яратиш мақсадида шаҳарчани гир айлантириб сув йўллари ташкил этилган. Сайёҳлар қайиқда бемалол сайр қилган ҳолда шаҳар манзарасидан баҳраманд бўлишлари мумкин.

Хива туманининг Саёт қишлоғида “Чодра ҳовли” архитектура ёдгорлиги бор. Янги шаҳарчада ҳам 5 қаватли, 25 метр баландликдаги ансамбль қурилган бўлиб, унга чиққан сайёҳ шаҳарчани тепадан ҳам томоша қилиш имконига эга бўлади. “Чодра ҳовли” ансамблига лифт ҳам ўрнатилган. Яна бир диққатга сазовор жиҳати – шаҳарча марказида Хивадаги калта минорнинг эгизаги қад ростламоқда. У “Чодра ҳовли”дан ҳам баланд бўлиб, мажмуага ўзгача чирой бағишлайди. Шаҳарчага энг сўнгги русумдаги, баланд хорижий аттракционлар ҳам ўрнатилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, “Arda Khiva” Самарқанддаги “Боқий шаҳар” ва Наманган вилоятидаги “Янги Наманган шаҳарчаси”дан кам бўлмаган ҳолда қад ростлайди. Келгусида бу шаҳарча Хоразмга сайёҳлар оқимини янада ошириш ва уларни воҳа тарихи билан яқиндан танишишига хизмат қилади.

Шарафли касб соҳиблари эъзозда

Азалдан бунёдкорлик шижоати ва меҳнаткашлик фазилати билан дунёга донғи кетган ўзбек халқи устоз-шогирдлик анъаналарига содиқ бўлган. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, буюк аждодларимиз ҳам устозлари изидан бориб, уларнинг насиҳату маслаҳатлари билан улкан ютуқларга эришиб, кам бўлмаган.



Тошкент архитектура-қурилиш университетида Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан фахрий профессорлар, ўқитувчилар, ходимлар, талабалар ҳамда Архитектура ва қурилиш соҳасида фахрийлар кенгаши аъзолари иштирокида ташкил этилган тадбирда келажак авлод тарбияси йўлида жон куйдираётган шарафли касб соҳиблари мадҳ этилди.

Дарҳақиқат, ҳар қандай соҳани пухта эгаллаб, самарали фаолият юритишимизда энг аввало, устозларнинг хизмати беқиёс. Халқимиз азалдан эъзозлаб келадиган ўқитувчи ва мураббийларнинг мақомини, қадр-қимматини янада юксалтириш – биз амалга ошираётган давлат сиёсатининг энг муҳим, ҳал қилувчи йўналишига айлангани ҳам шундан далолат. Донишмандлар айтганидек, ёш авлодга таълим ва тарбия берадиган фидойи муаллимларнинг саъй-ҳаракати билан юрт обод ва фаровон бўлади. Бунинг учун эса ўша юртда таълим масканларида ҳар томонлама қулай шароит ва ўқитувчи педагоглар учун керакли муҳит яратиб берилиши лозим. Бу борада бугунги кунда юртимизнинг барча ҳудудларида мактабгача таълим ташкилотидан тортиб, мактаблар, олий таълим муассасалари бинолари ҳам янгиланиб, замонавий типда қайтадан барпо этилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

– Президентимиз бошчилигида республикамизда ҳар йили янги-янги таълим масканлари барпо этилиб, уларнинг моддий-техник базаси, кадрлар салоҳияти мустаҳкамланмоқда, – деди тадбирда сўзга чиққан Архитектура ва қурилиш соҳаси фахрийлари кенгаши раиси Козим Туляганов. – Таълим-тарбия соҳасига берилаётган улкан эътибор туфайли ёшларимиз илм, фан ва техника, маданият ва санъат, спорт соҳаларида юксак марраларни қўлга киритаётгани барчамизни мамнун этмоқда. Имкониятлардан самарали фойдаланиб келаётган педагоглар, профессор-ўқитувчилар таълим соҳасидаги ислоҳотларда янада фаол иштирок этиб, “Янги Ўзбекистон – маърифий жамият” деган, олижаноб ғояни амалга оширишга муносиб ҳисса қўшмоқда. Қувонарлиси, юртимизда таълим ва тарбия тизимини янада равнақ топтириш, соҳа ходимлари учун муносиб меҳнат ва турмуш шароитларини яратиш масаласига бундан буён ҳам устувор масала сифатида алоҳида аҳамият қаратилиб, ўқитувчилик касбини жамиятдаги энг обрўли касблар қаторига олиб чиқиш йўлида қатор ислоҳотлар амалга ошириляпти.

Тадбир кўтаринки кайфиятда ўтди.

Ўз мухбиримиз.

Устозлари ардоқланган юртнинг келажаги буюкдир

Жавлон САДИКОВ, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университети матбуот котиби.

Ўқитувчи ва мураббийлар куни арафасида таълим соҳасида фидокорона меҳнат қилаётган бир гуруҳ устоз ва мураббийлар “Олий таълим аълочиси” кўкрак нишони билан тақдирланишди.

Ана шундай устозлар сафида қурилиш-бунёдкорлик йўналишида юртимиз келажаги учун малакали кадрлар тайёрлашга катта ҳисса қўшиб келаётган таълим фидойилари ҳам бор. Хусусан, Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университетининг ўқитувчилари ҳам ушбу кўкрак нишони билан тақдирланишди.

Бахтиёр САИДМУРОДОВ,
Қурилиш муҳандислиги кафедраси доценти, техника фанлари номзоди:

– Тобора тараққий этиб бораётган қурилиш индустрияси соҳага малакали кадрлар етиштириб беришдек вазифани ҳам масъулият билан амалга оширишни талаб қилади. Бу борада юртимизда қурилиш-бунёдкорлик йўналишида фаолият олиб бораётган олий таълим муассасаларининг ўрни беқиёс. Қолаверса, бугун юртимизда таълим тизимига қаратилаётган катта эътибор туфайли нафақат талабалар, балки ўқитувчи педагоглар ҳам кўплаб мавзуларда илмий ишлар қилиб, соҳага янгидан янги услублар, тажриба ва маълумотларни олиб кирмоқда. Хусусан, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университети ўқитувчиларининг ҳавасга арзигулик изланишлари кўп. Булардан ташқари, олий таълим муассасалари учун янги бинолар нинг қурилиб, замон талаби даражасида жиҳозлаб берилаётгани, ўқитувчи ва талабаларга яратилаётган шароитлар туфайли хорижий тажрибалар ҳам ўзлаштирилиб, архитектура ва қурилиш соҳасининг янги қирралари очиляпти.

Юртимизда педагог кадрларга бўлган юксак эътибор туфайли касб байрами муносабати билан эътироф этилганимдан қувончим чексиз.

Мавлуда ХУДОЯРОВА, Архитектура кафедраси доценти, архитектура фанлари номзоди:

– Ўрта мактабни олтин медаль билан битирганимдан кейин ота-онам чет тиллар институтига кирасан, деб фотиҳа бериб шаҳарга жўнатишган. 1967 йилларда “Маҳаллада дув-дув гап” бадиий фильми намойиш этилгач, уни томоша қилиб кўп тенгқурларим каби мен ҳам фильмдаги архитектор қизга ҳавас қилгандим. Шу тариқа чет тили эмас, архитектура йўналишига ҳужжат топшириб, ўқишга кирдим. Биз ўқиган даврда ҳозирги университетимиз яқинда очилгани туфайли Ленинград, Москва, Киевдан шу йўналишдаги олийгоҳларнинг катта тажрибага эга педагоглари келиб дарс беришарди. Шу тариқа рус тилини ҳам пухта ўрганишга муваффақ бўлдик.

Олий ўқув юртини битиргандан кейин бизни лойиҳа институтларига ишга жўнатишди. У ерда ҳам Ўзбекистондаги машҳур архитекторлардан иш ўргандик. Владимир Березин, Серго Сутягин каби ўз даврининг кучли архитекторлари қўлида ишладик. Ўша пайтда Тошкентнинг бош архитектори бўлган Собир Одилов диплом раҳбарим бўлган.

Устозлар ўрганиб, эндиликда ўзим ҳам билганларимни талабаларга ўргатиш жараёнида ўзим ҳам билмаганларимни ўрганишда давом этяпман.

Дониёр ЖЎРАҚУЛОВ, Геоматика кафедраси профессори, техника фанлари номзоди:

– Устозлик шарафли касб. Шу билан бирга, бу касбнинг ўзига яраша қийинчилик ҳамда ютуқлари ҳам бор. Аввало, устоз ўз касбининг фидойиси бўлиши, қолаверса, ҳар куни ўз билимини ошириб бориши керак. Бундан ташқари, шогирдларига меҳрибон, бор билимини ўргатиб, уларнинг келажаги учун жон куйдириши шарт. Яхши устознинг шогирдлари ҳам кўп бўлади. Ўзида борини бировга ўргатишдек савобли касбда ишлаш эса ҳар кимга ҳам насиб этавермайди.

Тилагим – барча устозлар шогирдлари орқали “устозингга раҳмат” деган сўзларни эшитиб юрсин. Ушбу мукофот нафақат мени, балки юртимиздаги барча ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатига берилган муносиб баҳо, деб ўйлайман. Зеро, устозлар меҳнатининг эътироф этилиши уларга куч-қувват, шижоат бағишлаши шубҳасиз.

Қозоқбой МАМАСОЛИЕВ, Ижтимоий ва табиий фанлар кафедраси профессори, физика-математика фанлари доктори:

– Айнан касб байрами муносабати билан тақдирланиш мен каби барча устозлар қалбида чексиз фахр туйғусини уйғотгани бор гап. Чунки ўқитувчилик шундай касбки, у инсонга нафақат фахр бағишлайди, балки касби туфайли ўз ўрнига эга бўлиш ва кўплаб шогирдлар тайёрлашга ундайди.

Бу каби мукофотлар эса устозларга янги куч бериб, ўз устида янада кўпроқ ишлашни талаб этади. Ўз навбатида, бу эътибор, албатта, уларга янада кўплаб масъулият ҳам юклайди. Зеро, устозлик шарафини улуғлаган инсонлар ҳеч қачон кам бўлмайди. Келгусида биз ҳам ўз касбимизни янада улуғлаб, келажак авлодга таълим-тарбия беришдек масъулиятли вазифамизни муносиб давом эттирамиз.

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Батир Закиров
(Таҳрир ҳайъати раиси),
Шерзод Ҳидоятов,
Давронжон Адилов,
Тоир Алиматов,
Озода Жўраева,
Козим Туляганов,
Юлдаш Магрупов,
Жамшид Исмаилов,
Бобир Элмуродов,
Қудратбек Хошимбеков.

ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир – **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари – **Райҳона Хўжаева**

Саҳифаловчи – **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳиҳ – **Марҳамат Мусулмонқулова**

Газета “Ўзбекистон бунёдкори” Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

“ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ” НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси, “ЎзГАШКЛИТИ” ДУК, “ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДУК, “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ, “ЎзгеорангметЛИТИ” ДУК.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 18-уй.
Телефонлар:
71-241-01-29 (қабулхона),
71-241-01-43 (таҳририят),
71-241-01-29 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-1041.
1515 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,
“Буюк Турон” кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир –
Р. Хўжаева.
Навбатчи –
А. Ҳақбердиев.

ЎзА якуни – 22.15.
Топширилди – 23.15.
1 2 3 4 5 6